



SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

www.openscience.uz

153.	Дилфуза Сулюнова Умирова Межпредметные связи на уроках русского языка и литературы	952
154.	Нодира Каримовна Нуруллаева Методические аспекты музыкального образования, особенности обучения народных песен в 5-7 классах	957
155.	Бобиршоҳ Ғайбуллоевич Нуруллаев Музыкальный ракурс изучаемого объекта в особенности обучения фольклора	963
156.	Нигора Каримовна Нуруллаева Теории музыки основа - основ музыкального формирующих принципов и правил произведения	969
157.	Нозима Кудратовна Нуруллаева Подготовка будущих учителей музыки к методически грамотной профессиональной деятельности	975
158.	Меҳринисо Бобиршоҳ кизи Нуруллаева, Нодир Джалолович Ядгаров Мировые шедевры живописи великих художников - маятник в развитии художественного искусства	981
159.	Анжелика Валерьевна Хазраткулова Роль русского языка в современном обществе	987
160.	Niyazbek Asqarov Dirijyorlik etishda asarning mustaqil ijrosi	996
161.	Фаррух Соипович Саидов Марказий Осиё мамлакатларида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли	1001
162.	Сарвиноз Фарходовна Салимова Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклланди даражасини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари	1007
163.	Сарвиноз Фарходовна Салимова “Тюнинг” (“Tuning”) халқаро лойиҳаси ва унинг моҳияти	1013
164.	Ширин Исроилжон кизи Одилжонова, Турсуной Исмонова Применение технологии Critical Thinking на уроках английского языка	1020
165.	Муаттар Хушнудбековна Туляганова Дистанционные образовательные технологии в обучении русскому языку	1027
166.	Дониёрбек Наврузович Обидов Характеристики Хорезмской музыки	1031
167.	Джавлон Баймуратович Элибаев Формирование исполнительских навыков и умений учащихся детской музыкальной школы по классу гитары	1036
168.	Лобар Кульмуротовна Эсанова Деятельность в интересах подростков на уроках изобразительного искусства	1043
ECONOMICS / ИҚТИСОД ФАНЛАРИ		
169.	Bobur Ruxiddin o'g'li Amirqulov, Akbar Aqmirzaevich Shernayev Davlat maqsadli fondlari moliyaviy resurslaridan samarali foydalanish yo'nalishlari	1048
170.	Said Akbarovich Kurbonov, Shohrux Saidov Enterprise risk management: review, critique, and research directions	1054
171.	Jasurbek Baxodirovich Gazikulov, Akbar Aqmirzayevich Shernayev Mahalliy byudjetlar daromadlarini tartibga solish mexanizmlarini takomillashtirish yo'llari	1062
172.	Yulduzxon Rasuljonovna Isroilova, Xotamjon Abdulkarimovich Qobulov Tashqi savdoni rivojlantirishda xalqaro hisob-kitob shakllaridan foydalanishning ahamiyati	1068

Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклланганлик даражасини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари

Сарвиноз Фарходовна Салимова
sarvinoz8915@gmail.com
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада бугунги кунда бўлажак биология мутахассислари касбий компетентлигини баҳолашнинг методик тизимини такомиллаштириш, шаклланганлик даражасини баҳолаш таълим жараёнининг муҳим масалалари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Касбий компетентлик, ижтимоий компетентлик, баҳолаш воситалари фондини, валидлик.

Specific aspects of assessing the degree of formation of professional competence of future teachers of biology

Sarvinoz Farkhodovna Salimova
sarvinoz8915@gmail.com
Bukhara State University

Abstract: The article provides information on current issues of improving the methodological system for assessing the professional competence of future biologists, assessing the level of formation of the educational process.

Keywords: professional competence, social competence, fund of assessment tools, validity.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, бўлажак мутахассисларнинг касбий шаклланишида ўқув-билиш компетентлиги муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг инновацион ривожланиши талабларига мос сифатли таълим олишни таъминлаш мамлакат таълим сиёсатининг стратегик мақсадларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш эса бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган ўқитишнинг модуль-рейтинг таълими ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари асосида модуль-рейтинг технологияси имкониятларини кенгайтириш, [1-5] умумкасбий ва махсус фанлар модуллари вариативлигини таъминлаш, баҳолаш тизимини такомиллаштиришни тақозо

этади. Қолаверса барча фанларнинг ўзаро чамбарчас боғликлиги, талабаларни касбий компетенциялари шаклланганлик даражасини баҳолашда бир-бирига фанларнинг алоқадорлигини оширади. Масалан: математик қонун ва қоидаларнинг биология соҳасида қўлланилиши [6-12] бўлажак биология ўқитувчисини математикани ҳам яхши ўзлаштиришига зарурят туғдиради.

Дунёда таълим сифатини баҳолаш, халқаро стандартларга мослаштириш, технологик жараёнлар самарадорлигини орттириш, мутахассислар касбий компетентлигини, рақобатбардошлигини таъминлаш, электрон ва масофавий таълим имкониятларига мослаштириш, таълим ва кадрлар сифатини назорат қилиш мониторингини олиб бориш соҳасида кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилган. Бугунги кунда бўлажак биология мутахассислари касбий компетентлигини баҳолашнинг методик тизимини такомиллаштириш, шаклланганлик даражасини баҳолаш орқали меҳнат бозори ва иш берувчилар талабини қондириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш йўналишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида белгилаб берилган энг муҳим вазифалар узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, сифат ва самарадорлигини таъминлашда УЎТМ ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириб бориш асосида уларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш заруратини белгилайди.

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятлилиги, мураккаблиги, шарафли эканлиги, муаллимнинг маҳорати, уларга қўйиладиган талаблар, устозларнинг фазилатларига оид фикрлар Шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топган. Шарқ маънавияти, маданиятининг хилма-хил жиҳатлари, айниқса, Уйғониш даврида жуда ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган Абу Наср Форобий, Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абдурахмон Жомий, Жалолоддин Давоний, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида ёш мураббийларнинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларда келтирилишича, компетентлик маълум бир фаолият жараёнида шаклланади ва инсоний кадрятлар билан уйғунлашган яхлитликда намоён бўлади. Л.В.Голиш фикрига кўра, рақобатбардош мутахассис модели куйидаги учта компонентдан иборат бўлиши керак:

1. Касбий компетентлик - ишчининг тегишли ишлаб чиқариш соҳасида

фаолият кўрсатишга лаёқати ва тайёрлигининг умумий кўрсаткичи.

2. Ижтимоий компетентлик - ўқувчига келажакда ўзини шахс сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиш имконини берадиган, у томонидан умумий ва касбий маданият, жамият қадриятлари ва меъёрлари, позиция ва ориентацияларни ўзлаштирилишини ифодоловчи умумий кўрсаткич.

3. Шахснинг ижтимоий муҳим сифатлари ва хусусиятлари - муваффақиятли ҳаётий фаолият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган умумижтимоий сифатлар ва хусусиятларнинг умумий кўрсаткичлари [1].

Шундай қилиб, касбий компетентликнинг компонентларини ўрганган барча тадқиқотчилар унинг кўп қиррали, кўп ўлчамли ва тизимли хусусиятларига эътибор қаратадилар.

Демак, касбий компетентлик - бу мутахассиснинг касбий фаолияти биланбоғлиқ бўлган, яъни бирор бир аниқ турдаги фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлган билим, маҳорат, кўникмава тажрибаларни акс эттирувчи ишбилармонлик ва шахсий сифатларнинг уйғунлашган тавсифидир [13-18].

Манбаларда келтирилишича, профессионал моҳирлик бевосита қобилиятлар ва шахснинг ижодий ўзига хослигига боғлиқ бўлади. Касбий компетентлилик одамнинг умумий ва махсус олган таълими ва амалиётда олган билимлари, кўникмалари ва маҳорати билан уйғунлашиб кетади.

Ҳар бир ўқув фани бўйича материаллар билим, қобилият ва орттирилган компетенциялар даражасини баҳолаш имконини беради. Ҳар бир баҳолаш материали муайян компетенциялар ва уларнинг таркибий қисмлари ўзлаштирилганлигини текшириш мумкинлигини таъминлаши шарт.

Ҳозирги даврда таълим муассасаларида компетенцияларни баҳолаш ташкилий бошқарув (давлат таълим стандарти билан касбий стандартларнинг ўзаро мувофиқ эмаслиги), методологик (компетенциялар таркибий тузилишининг ишлаб чиқилмаганлиги), методик (янги баҳолаш воситалари фондининг ишлаб чиқилмаганлиги), [19-25] психологик (педагогнинг янги баҳолаш воситаларидан фойдаланишга тайёр эмаслиги) қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу айниқса, педагогик адабиётларда “фаол”, “интерфаол” ва “маҳсулдор” ўқитиш воситалари ва баҳолаш тушунчалари моҳиятини аниқлашда бир хиллик йўқлиги сабабли янада вазиятни чигаллаштиради.

Фан бўйича ва умуман, АТД бўйича баҳолаш воситалари касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва турига мувофиқ, ўқиш натижалари ва компетенциялар матричасига кўрсатилган умумий ва касбий компетенциялар шакллланганлиги даражасини акс эттиради.

Баҳолаш воситалари фондини шакллантиришда қуйидаги асосий принципларга таянилади:

- валидлик (баҳолаш объектлари ўқишдан кўзланган мақсадга мос бўлиши керак);
- ишончлилиқ (ютуқларни баҳолаш учун бир хил кўрсаткичлар ва мезонлардан фойдаланиш);
- объективлик (турли мақсадларда текширув ўтказилганда объектив ва аниқ натижа олиш).

БВФга қўйиладиган асосий талаблар:

- интегративлик;
- муаммоли-фаолиятли хусусият;
- касбий фаолият билан боғлиқ топшириқлар доирасида долзарблаштириш;
- мезонларнинг режалаштирилган натижалар билан боғлиқлиги;
- касбдошлар ҳамжамиятида экспертизадан ўтказиш.

Биология ўқитиш методикаси фани бўйича баҳолаш воситалари фонди ўқув фани бўйича назорат-баҳолаш воситалари (НБВ) тўпламларидан иборат.

Биология ўқитиш методикаси фани бўйича НБВ тўпламининг таркибий тузилмалари қуйидагилардир:

- умумий қоидалар;
- ўқув фанини ўзлаштириш натижалари;
- қобилият ва билимлар (намунавий топшириқлар) ўзлаштирилганини баҳолаш;
- якуний аттестация учун назорат-баҳолаш материаллари.

Ҳар бир ўқув соҳаси бўйича назорат - баҳолаш воситалари тўпламлари назорат - баҳолаш материалларини ўз ичига олади, бу материаллар билим, кўникма ва орттирилган компетенциялар даражасини баҳолаш имконини беради. Ҳар бир баҳолаш материали муайян компетенциялар ва уларнинг таркибий қисмлари ўзлаштирилганлигини текшириш мумкинлигини таъминлаши шарт. Айниқса биологиянинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ биотехнология, ферментлар биотехнологияси, балиқчилик соҳаларининг салоҳиятли кадрларини тайёрлаш учун ўқитувчининг барча касбий компетенциялари шаклланган бўлиши зарур. Чунки [26-30] мақолаларда келтирилган тажрибаларни амалга ошириш учун кучли маҳорат талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, деморатик ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

2. Ахмедова Г. У., Салимова С. Ф. Чтение на иностранном языке как средство развития опыта общения учащихся //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 4 (17).
3. Ахмедова Г. У., Салимова С. Ф. Собственные имена в ономастике немецкого языка //Молодой ученый. – 2016. – №. 7. – С. 1139-1141.
4. Salimova S.F. improving the professional competence of future biology teachers //Archive of Conferences. – 2021. – С. 69-71.
5. Salimova S. General structure of spinal animals features //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
6. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Роль математики в биологических науках // Проблемы педагогики № 53:2 (2021), с. 7-10.
7. Расулов Х.Р. Об одной нелокальной задаче для уравнения гиперболического типа // XXX Крымская Осенняя Математическая Школа-симпозиум по спектральным и эволюционным задачам. Сборник материалов международной конференции КРОМШ-2019, с. 197-199.
8. Haydar R. Rasulov. On the solvability of a boundary value problem for a quasilinear equation of mixed type with two degeneration lines // Journal of Physics: Conference Series 2070 012002 (2021), pp.1–11.
9. Расулов Х.Р. О некоторых символах математического анализа // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), p.66-77.
10. Расулов Х.Р. О понятие асимптотического разложения и ее некоторые применения // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), pp.77-88.
11. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяциянинг динамикаси хақида // Scientific progress, 2:1 (2021), p.665-672.
12. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Математические модели и законы в биологии // Scientific progress, 2:2 (2021), p.870-879.
13. Salimova S.F. Formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 769-772.
14. Salimova S.F. Improvement of methodical communication system //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 77-78.
15. Salimova S. Formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria: formation of professional skills of future biology teachers and development of its criteria //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 10. – №. 9.
16. Salimova S. Method of improving self-study works of students in biology by means of informational resources //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.

17. Salimova S. General structure of spinal animals features // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
18. Salimova S. Ta'lim natijalarini baholashga kompetentli yondashuv mohiyati // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
19. Salimova S. Method of improving self-study works of students in biology by means of informational resources // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
20. Salimova S. Improving the methodological training and research activities of future biology teachers // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 12.
21. Salimova S. Ta'lim natijalarini baholashga kompetentli yondashuv mohiyati // Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
22. Раупова М. Ижодий ўз ўзини рўёбга чиқаришда кваз касбий фаолиятнинг роли // Центр научных публикаций (buxdu. uz). 2021. Т. 5. №. 5.
23. Раупова М. Biologiya ta'lim yo'nalishi talabalarining loyiha faoliyatini tashkil qilish amaliyoti // Центр научных публикаций (buxdu. uz). 2021. Т. 5. №. 5.
24. Раупова М. Во'лажак biologiya o'qituvchisi kvazi-professional faoliyatini loyihalash usullari // Центр научных публикаций (buxdu. uz). 2021. Т. 1. №. 1.
25. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяция ва унинг математик модели ҳақида // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), pp.81-96.
26. Toxirov B.B., Alimova L.H., Xudoyberdiyeva S.A. Practical value of microscopic algae in the farming sector // Вопросы науки и образования. – 2018. – №. 10 (22).
27. Toxirov B.B. Практическая значимость чистой хлореллы для рыбного хозяйства // Ученый XXI века, международный научный журнал, 1:1 (2017). 28. Toxirov B.B. Practical value of microscopic algae in the farming sector // – Ученый XXI века. – 2017. – №. 1-1 (26). – С. 31-32.
29. Rakhmatova Z. B., Tokhirov B. B. Aquaculture of plant-fishing fishfeeding and growing // Международный журнал маркетинга и технологий, 10-9 (2020): 5-9.
30. Mamurova M. O., Tokhirov B. B., Tog'aeva M., Rakhmatova Z. B. The role of enzymes in biotechnology // International Journal of Marketing and Technology, ISSUE 09, T-10, (2020). С .14-17.